

**МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
– ЎЗБЕКИСТОНДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

*Абдужалилов Шоҳсувор
ТошДШИ Жаҳон сиёсати ва халқаро
муносабатлар кафедраси магистранти*

АННОТАЦИЯ

Мақола ғоя, мафкуравий иммунитет ва уни шакллантириш муаммоларига бағишланган. Мафкуравий иммунитет ва уни хусусиятлари, тизими ва шу каби тушунчалар мақолада ёртиб берилган. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш усуллари ҳам мақолада кўрсатиб берилган.

Ҳозирги давр – бунёдкор ва бузғунчи ғояларнинг ўзаро кураши кучайганлигини алоҳида этироф этиш лозим. Нима учун кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки, муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, тўғрироғи уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Акс ҳолда у ёки бу ғоя фақат муайян хабар ёки ахборот сифатида сақланиб қолади, холос. Бошқача айтганда, омборхонадаги кераксиз буюмлар каби онгимизнинг бир четидан жой эгаллаб ётавериши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, бундай ҳолатда ғоя шахс учун ҳеч қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди. Ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллаганда, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Ёр юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, бошқача айтганда “мафкуравий полигонга”(1)

айлантирилмоқда. Хўш, мафкуравий полигон деганда нимани тушунамиз? Полигон (грек. серқирра деган маънони билдиради) ҳарбий термин эканлигига ўрганиб қолганмиз. Одатда полигон деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада машқ ва тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган махсус майдон тушунилади(2).

Шу нуқтаи назардан қараганда, мафкуравий полигонларнинг хусусиятлари ҳақида нима дейиш мумкин? Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашиб борганини кўрамиз. У найзалардан токи автоматик қуролларгача, замбараклардан то ер юзининг ҳар қандай нуқтасига беҳато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини йўқотиш шарт эмас. Зеро, онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъкул» йўналишга ўзгартирилган аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз ичида ўзларининг ғайриисломий ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган кимсалар ана шундай ғаразли мақсадларни, яъни одамлар, айниқса ёшларни чалғитиш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутган эдилар. Чет элларда ана шундай «таълим» олган ваҳҳобийлар, шунингдек «хизбут таҳрир»чиларнинг ёшларимиз онгини заҳарлаш йўлидаги ҳаракатларини ҳам айнан шундай баҳолаш мумкин.

Мафкура полигонларида синовдан ўтаётган, моҳиятан ғайриинсоний бўлган ғояларга қарши тура олиш учун аҳолида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим.

Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан илмий муомалага бир қатор

тушунчалар киритилганлигини қайд этиш лозим. Улар қаторида «мафкуравий иммунитет», «мафкуравий профилактика» кабилар бор(3). Ана шу тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характери янада яққолроқ тасаввур қилиш имкони туғилади.

Аввало ҳар қандай гўдак дунёга келганда ўзини ҳимоя қилишни билмайди. Болага оила, мактаб ва ижтимоий муҳит тўғри тарбия берсагина улар соғлом, ишончли, мустаҳкам иммунитетга эга бўлиб боради. Иммунитет – одамни тўғри йўлдан адашиб, кейин пушаймон бўлишларидан, бахтсизликдан, миллатни эса парчалашлардан, синфий ва маҳаллий бўлинишлардан асраб туради. Демак, мафкуравий иммунитет – давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради.

Иммунитет (лат. *immunitas* – озод бўлиш, қутилиш) деганда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, уни ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Иммунитет киши вужудининг турли инфекцион касалликларга берилмаслик хусусиятини ҳам ифодалайди. Инсоннинг бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирларга акс жавоб сифатида орттирилган иммунитет тизими шаклланади. Иммунитет ҳақидаги ана шу тасаввурдан келиб чиқиб мафкуравий иммунитет ҳақида нима дейиш мумкин? Аввало, инсоннинг кўплаб хусусиятлари тугма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, шакллантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин.

Мафкуравий иммунитет – ички ва ташқи ғоявий, фикрий таъсир натижасида намоён бўлади. Мафкуравий иммунитетнинг асосий қуроли объектив билимлар ва маънавий қадриятлардир(4).

Мафкуравий иммунитет – муайян ғоялар тўқнашган вазиятда намоён бўлади. Мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахс ёт мафкуралар таъсирига берилмайди. Мафкуравий иммунитет – муайян ғояга ишонтириш, тушунтириш натижасида шу ғоя ҳақида билимга эга бўлиш билан боғлиқ жараёндир.

Мафкуравий иммунитетнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд.

- Мафкуравий иммунитет узлуксиз шаклланиб боровчи ходисадир.
- Мафкуравий иммунитет ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга.
- Мафкуравий иммунитетнинг барқарорлиги билим, кадриятлар тизимининг ўзлаштирилишига боғлиқдир(5).

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мафкуравий тарбия масаласи муҳим аҳамиятга эга. Зеро, А. Авлониининг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”(6) деган фикри бугунги куннинг долзарб масалалардан биридир.

Кишиларда – ёт ва зарарли ғояларга қарши туриш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ғояларнинг моҳиятига етиб бориш зарур. Бу ўринда, 1999 йил февраль ва 2004 йил март – Бухоро ва Тошкент шаҳрида содир этилган террористик воқеалардан тўғри хулоса чиқариш лозим.

Ғоявий манипуляция – манипулятор (даъватчи) – мақсади яширин ҳолатда "Ислом дини ниқобида" зимдан таъсир кўрсатувчи, ёт мафкуралар томонидан қўлланилаётган технологиянинг таркибий қисмидир.

Манипуляция – одамларни у ёки бу ишни қилишга хоҳиш, истак уйғотишга хизмат қилади. Улар одамларнинг тасаввурларини ўзгартиришга доир билимлар беради, уларнинг руҳиятига, ҳулқ – атворида салбий таъсир кўрсатади. Улар дин ниқоби остида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилик ҳаракатининг бир тўдасидир.

Хўш, мафкуравий иммунитет тизими ўз ичига нималарни олади? Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури, бу билимдир. Аммо, билимлар кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиёти тарафдорлари ҳам муайян

«билим»ларга таянадилар ва уни бошқаларга сингдиришга ҳаракат қиладилар. Шундай экан, бир томондан мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми ана шундай билимлар замирида шаклланадиган қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, шахс, миллат ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам калқон бўлиб хизмат қилади.

Аммо, билимлар ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки унсур мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мулжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Яъни ҳар бир киши каби, халқ, давлат ва жамиятнинг ҳам аниқ мақсади бўлиши шарт. Шу билан бирга бу мақсад англаб тулиниши, уни амалга оширишда собитқадамлик даркор. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, ҳоҳ алоҳида инсон, ҳоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериш амримаҳолдир.

Бундай мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у ўз моҳиятига кўра, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чоратадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий

ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

Профилактика ҳам тиббиёт атамаси бўлиб, касалликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ифодалайди. Мафкуравий профилактика эса онгдаги мафкуравий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуаси, яхлит ғоявий тизимдир.

Жамиятдаги кадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради. Мафкуравий профилактика – жамиятдаги ижтимоий институтлар, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар томонидан, ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини ва таълим-тарбия тизимини ўз ичига олади(7). Бу борада Президентимиз Ислом Каримов "Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи сўзбошисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига эришиш биз учун энг асосий мақсаддир”(8).

Миллий ғоя – халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, комил инсон ғоялари экан – улар ички ва ташқи таҳдидларнинг олдини олади.

Ташқи таҳдидлар – Ўзбекистоннинг давлат чегаралари ташқарисидан кириб келувчи ғоялар.

Ички таҳдидлар – мамлакатнинг ички барқарорлигига путур етказувчи таҳдидлардир. Буларга: маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, ватанга хиёнат қилиш, боқимандалик, порахўрлик, коррупция, ашаддий миллатчилик, бефарқлик, лоқайдлик, ўзлигини англамаслик каби иллатлар бевосита ички таҳдидлардан ҳисобланади. Бу борада Президент И. Каримов ўзининг фундаментал “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари қуйидагича фикр билдиради: “Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва

лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айналади”(9). Бундай ҳолат Ўзбекистоннинг ғоявий бирлигига зарар етказди, пароканда қилади, ҳамжихатлик бўлмайди.

Мафкуравий бирлик – жамиятда ғоявий консенсус ва фуқароларда келажакка ишонч руҳининг қарор топишидир. Мафкура бўлмаса – инсон, жамият ва давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар(10).

Шуни таъкидлаш жоизки, мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика мутаносиблиги долзарб масалалардан биридир.

«Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар домий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар», – деб ёзади Президентимиз(11). Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бакуват, иймони бутун, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Мафкуравий иммунитет – муайян ғояга ишонтириш, тушунтириш натижасида шу ғоя ҳақида билимга эга бўлиш билан боғлиқ жараёндир.

Мафкуравий иммунитетнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд.

- Мафкуравий иммунитет узлуксиз шаклланиб боровчи ҳодисадир.
- Мафкуравий иммунитет ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга.
- Мафкуравий иммунитетнинг барқарорлиги билим, кадриятлар тизимининг ўзлаштирилишига боғлиқдир.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури, бу билимдир. Бир томондан мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан ва халқ

манфаатлари, умуминсоний кадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми ана шундай билимлар замирида шаклланадиган кадриятлар тизимидир. Шахс, миллат ёки давлатнинг кадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам калқон бўлиб хизмат қилади.

Мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури – ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мулжал ва мақсадлар тизимидир.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, мафкуравий иммунитет – бу муайян ғояга ишонтириш, тушунтириш натижасида шу ғоя ҳақида билимга эга бўлиш билан боғлиқ жараёндир.

Мафкуравий иммунитетнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

-Мафкуравий иммунитет узлуксиз шаклланиб боровчи ҳодисадир.

-Мафкуравий иммунитет ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга.

-Мафкуравий иммунитетнинг барқарорлиги билим, кадриятлар тизимининг ўзлаштирилишига боғлиқдир.

Мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

1. Каримов И.А. Юсак маънавия – енгилмас куч. – Т.: Маънавияв, 2008. – 113-бет.
2. Военный энциклопедический словарь. – М.: Военное издательство, 1983. – С. 311.
3. Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997; Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Обломуратов Н., Худоёрова О., Аликулов Х. Миллий ғоя ва ёшлар: Ўқув қўлланмаси. – Т.: Солиқ академияси, 2008. – 25-бет.
5. Қаранг: Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. – Т.: Маънавияв, 2001.
6. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Шарқ, 1994. – 32-б.
7. Обломуратов Н., Худоёрова О., Аликулов Х. Миллий ғоя ва ёшлар: Ўқув қўлланмаси. – Т.: Солиқ академияси, 2008. – 25-бет.
8. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар: Олий таълим муассасалари учун қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 3-бет.
9. Каримов И.А. Юсак маънавия – енгилмас куч. – Т.: Маънавияв, 2008. – 116-бет.

10. Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар. – Т., 2001. – 38-бет.
11. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.